

ISSN 2181-7324

ЎЗМУ

ХАБАРЛАРИ

№ 1/5 ❖ 2016



*Ижтимоий-
гуманитар
фанлар
йўналиши*

*Направление
социально-
гуманитарных
наук*

*Social-
humanitarian
sciences*



ВЕСТНИК НУУЗ ❖ АСТА NUUZ

МУШДАРИЖА

Тарих

Алимова Н.О. Муствақиллик йилларида Ўзбекистонда шпакчиликнинг ривожланиши.....	4
Джуманов С.А. Муствақиллик ва аҳоли сипоматлиги (1991-2001 йиллар Ўзбекистонда аҳолини дори воспиталари билан таъминлаш тадбирлари мисолида)	8
Жуманиязов Д.Қ. Полевые записи о судьбе Хин-Максуме (Убайдуллы Бахауалдинова)	13
Замонов З. Роль институтов семьи и махалли в трансформации духовно-нравственных ценностей в обществе.....	15
Маъшарипова Г.К. Хоразм Маъмур академияси муварриси Абу Райхон Беруний илмий меросининг Шарк ва Ғарбда ўрганилиши (манбалар таҳлили).....	19
Нормуродова Г.Б. Бухоро Амирлиги ижтимоий-сиёсий ҳаётнда олий табаканинг тутган роли.....	24
Носиров Б.А. Муствақил совет тузуми даврида Ўзбекистонда маънавий хизмат кўрсатиш тизимидаги зиддиятли ҳолатлар.....	27
Парманов Ш.Э. Ўзму Археология кафедрасининг Кеш воҳасидаги тадқиқотлари тарихидан	31
Раҳмонов Х. Зарафшон воҳасида урбанизация жараёнилари эволюцияси (Навоий вилояти мисолида).....	35
Шадманов Т. Различные аспекты жилищного строительства в городах Узбекистана в 1917-1941 гг.....	38

Филсафа

Абдуллаева Ш.Х. Изучение проблем педагогической деятельности в отечественной психологии.....	42
Абидова З.А. Процессуальные аспекты толерантности	47
Аминова Н. Имонлилик – баркамолчиликнинг асосий шарти	51
Аминова Ф.Х. Профессионал омилкорлик ва педагогнинг маҳорати: психологик ёндашув	54
Атамуратова Ф.С. “Этномаданият” тушунчасининг фалсафий таҳлили.....	57
Ахатова Д.А., Ахатова Х.А. Профессионал фаолиятнинг концептуал модели.....	60
Ахмедов Б.А. Ўзбекистон Республикаси ахборот хавфсизлиги тизимининг шаклланиш босқичлари.....	63
Ахмедова Г. Таълим муассасаларида нутқий мулоқот одобида доир билимларни ўргатиш	67
Бакиров О. Билиш жараёнида “тушуниш” ва унинг талқини	70
Бекпулатов У.Р. Табиат ҳодисаларини билишда симметрия принципларининг ўрни	73
Болтаева Ш.Т., Ибрагимов Д.Х. Ўқитувчи ва дарс: бошланғич синф ўқувчилари билан ишлашнинг самарали усуллари	75
Дўстов У. Хитой-Америка муносабатларида минтақавий рақобат (Шарқий Осиё мисолида)	78
Джолымбетова М.М. Кичик мактаб ёш давридаги болалар тафаккурининг хусусиятлари.....	83
Жабборова С.Р. Глобаллашувнинг маънавиятга салбий таъсири.....	86
Жониев Ф.Қ. Қадриятлар таълим сифатини оширишнинг самарали воситаси	89
Жўраев Х.О. Интеграциялашган медиатаълимдан фойдаланиб муқобил энергия манбаларига оид маълумотлар бериш	92
Зайнобидинова Н.И. Миллий маънавий меросимизда илм олиш тавсифи.....	96
Замонов З. Баркамол авлоди вояга етказишда хушёрлик ва оғоҳликни ошириш – жамиятимиз демократик таракқиётининг асоси	99
Ибайдуллаев Т.Г. Миллий маънавий мерос ва ёшлар камолоти	103
Ибрагимов А.А. Халқ таълими ходимлари малакасини ошириш тизимини модернизациялашнинг инновацион технологиялари	106
Ибрайимов А.Е. Масофавий ўқитиш тизимини ташкил этиш ва ўқув курслари мазмунини ишлаб чиқишнинг ўзига хос хусусиятлари.....	110
Илхамова Д.И. Формирование психосоматического феномена у детей	114
Инамов Д.Д. Олий таълим муассасаларида бўлажак касб таълими битирувчиларини малакавий тайёрларлик даражасини квалитетрик баҳолашнинг илмий асослари	118
Иргашова М. Замоनावий олий таълим тизимида янги педагогик ва инновацион технологиялар	122
Исанова Г.Т. Ижтимоий рекламанинг ёшлар фикрини шакллантиришдаги ўрни	124
Исмоилов Т., Фарходжонов Н. Шахс маънавиятидаги ўзгарувчанлик ва мослашувчанлик.....	127
Кадыров К.Б. Индивидуальный профиль асимметрии как фактор, определяющий особенности личности	131
Каланова С.М. Социал мақом структураларида авлодий қадриятлар	136
Карагуян Marietta. Psychosocial factors in gastrointestinal disorders.....	140
Қодиров Н.Н. Ёшлар ижтимоий фаоллигини оширишнинг демократик ислохотлар билан уйғунлиги.....	146
Komilov R.R. O'zbek nikoh marosimlari – ma'naviy kamolot omili sifatida	150
Қурбонов Ж. Янги ахборот технологиялари ва уларнинг таълим тизимига жорий этилиши	153
Қурбонова Л. Элитар назарияларнинг ўзини хос турлари ва мақоми	157
Mamatkulova N.F. The significance of independent study skills in higher education system.....	160
Марасулов А. Аппарат проектирования интегрированной модели подготовки специалиста и понятийно- теоретической деятельности преподавателя.....	163
Мардонов Ш.К., Раббитова Ф.Т. Подготовка будущих учителей биологии к познанию учащимися эстетики родной природы.....	168
Мирзаев А.Ш. Миллий тоғувлик – инсонларро олий қадрият	172

ШАХС МАЪНАВИЯТИДАГИ ЎЗГАРУВЧИЛИК ВА МОСЛАШУВЧИЛИК

Исмоилов Т., Фарходжонова Н. *

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақола глобаллашув жараёни ва унинг миллий маънавий тараққиётга таъсири билан боғлиқ жараёнларни ўз ичига олган. Чунки жамиятнинг ривожланиши бугунги кунда содир бўлаётган жараённи тўғри баҳолаш билан боғлиқдир. Шунингдек, глобаллашувнинг миллий маънавий тақомиллаштиришидаги ўрни, миллий маънавий шакллантиришида комил инсон гоёси ва бу борада амалга оширилаётган ишлар ҳамда вазифалар ўз аксини топган.

Калит сўзлар: глобаллашув, жараён, миллат, маънавий, миллий маънавий, гоё, мафкура, комил инсон, маънавий мерос, ёшлар, тараққиёт.

Янги жамиятнинг илмий-фалсафий концепцияси ҳамда ўзбек халқи келажagini таъминлайдиган авлоднинг интилиши лозим бўлган миллий идеал муаммоси асосий масала сифатида кўриб чиқилмоқда.

Авлодларнинг табиий-тарихий алмашинуви жараёнида, бугун, шаклланаётган ёшлар келажакда халқимизнинг асосий маънавий кифасининг ижодий интеллектуал кучига айланадилар. Шу боисдан ҳам, ҳозирги ўзбек жамияти бир идеалга муҳтожлик сезмоқда. Ёшлар учун намуна бўла оладиган идеал яратилиши лозим. Бу эса комил инсон гоёси доимо устувор бўлиб келган халқимиз учун сув ва ҳаводек зарурдир. Президентимиз "Комил инсон деганда биз, онги юксак, мустақил фикрлай оладиган, хулқ-атвори билан ўзгаларга ибрат бўладиган билимли, маърифатли кишиларни тушунамиз. Онгли, билимли одамни олди-кочди гаплар билан алдаб бўлмайди. У ҳар бир нарсани ақл, мантик тарозига солиб кўради. Ўз фикр-ўйи, хулосасини мантик асосида қурган киши етук одам бўлади"[1]. Комил инсонни тарбия қилиш ўзбек халқининг келажаги учун жуда муҳим аҳамият касб этишини ҳисобга олган давлатимиз бу борада катта ишларни амалга оширмоқда. Ёшларни тарбиялаш давлат сиёсатининг муҳим бир таркибий қисми даражасига кўтарилди. Ёшларни янада бирлаштириш мақсадида, бир неча нодавлат нотижорат ташкилотлар ташкил этилди. Шулардан энг йириги "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатидир. Бу ҳаракат Президентимиз Ислоҳ Каримов таъкидлашича: "ёшларнинг ўй-фикрлари, орзу-умидларига йўл очиб, уларнинг ҳаётий манфаатларини қатъият билан ҳимоя этиши, бошқача айтганда, давлат ва ёшлар ўртасида бамисоли бир кўприк бўлиши, давлатимизнинг ёшлар сиёсатини уларга, ёшларимизнинг ўй-ташвишларини, орзу-интилишлари ва муаммоларини эса давлат ташкилотларига етказиб туриши, уларнинг ҳақиқий ҳимоячиси бўлиши зарур" [2]. "Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз ва кам бўлмаймиз ҳам" гоёси ёшлар онгига сингиши, соғлом миллий гурурни шаклланиши жуда муҳим.

Афсус билан айтиш керакки, ўзбек халқининг бир юз эллик йиллик мустамлака даврида йўқотган кадрларни сақлаб қолишга эришилган кадрларидан бир неча хисса кўп бўлди.

Бугунги ўзбек маънавий кифаси бозор муносабатлари ҳамда ҳозирги замон информацион

интеллектуал технологияларининг устиворлиги даврида яна қандай муҳим хусусиятларга эга бўлиши зарур? Ўзгараётган замон ва янгиланаётган макон дунё халқлари феъл-атвори тизимида саъй-ҳаракатларда тезкорлик, тонқирлик ва айни чоғда ҳар бир ишда режавийлик, пухта тайёргарлик, фахм-фаросат, муаммоларни ҳамкорлик асосида ҳал этиш хусусиятларини ривож топишини такозо этмоқда. Шунингдек, шахс ва жамият, шахс ва давлат муносабатлари тизимида алоҳида субъектлар, инсонлар ролининг бениҳоя ошиб бориши кузатишмоқда. Ана шу муносабат билан Ислоҳ Каримов халқимиз характерида прагматистик, экзистенциалистик ҳамда рационалистик хусусиятларни шакллантириш ва ривожлантириш зарурлигини илгари сурди. Маълумки, прагматизм - ҳаракат, интилиш маъноларини ифодалаб, шу ҳаракат орқали муайян фойда, манфаатларга эга бўлишни, шахснинг мақсадли саъй-ҳаракатлари, фаолиятлари унга меҳнатига мувофиқ, наф, фойда келтиришини ифода этади. Гарб кишиси табиатан индивидуалист бўлиб, манфаат омили унинг барча ҳаракатларини фаоллаштиради, фаол шахс саъй-ҳаракатлари учун асосий мезон вазифасини ўтайди. Бизда эса, шахсий фойда излаш бошқалардан кўра, ўзини кўпроқ, уйлаб иш тутиш олоб доирасидан четдаги ҳол саналиб, кишини жамоадан бегоналаштирувчи, уни гуёки худбин қилиб қўювчи омил вазифасини бажариб келган.

Бозор эртами, кечми одамларда ўзига ҳос тафаккурни шаклланишига мажбур этади. Бунда биз маърифатлашган тафаккур шаклини шакллантиришга эътиборни қаратишимиз керак. У нима-ларга асосланиш керак:

- Моддий бойлик орттиришида қонуларни четлаб ўтиш эмас, балки унга қатъий амал қилишга асосланиш;
- Миллий, оилавий қариндош уруғчилик, авлод аждодлардан мерос бўлиб қолган кадрларнинг барбод бўлишига олиб келадиган хатти-ҳаракатларга йўл қўймаслик;
- Моддий бойликка эришишда ҳалоллик, иймонли бўлиш, бировнинг ҳақига хиёнат қилмаслик, эътиқодли бўлиш, дўст-биродарлар ўртасида ўзаро ҳурмат туйғуларини мустаҳкамлаш ва шу қабиларни қамраб олади.

Бозор муносабатлари инсонни тартибли ҳаётга ундайди, фикрлаб иш тутишга, талбиркорликка даъват этади. Бозор ҳамма нарсага

* Исмоилов Т.И. – Наманган муҳандислик-педагогика институти катта ўқитувчиси.
Фарходжонова Н.Ф. – Наманган муҳандислик-педагогика институти ўқитувчиси.

онини ёндашуви, оқиллик билан муносабатда бўлишни талаб этган. Меъёрли барикенглик, хотамтоблик, савобатчилик, агар лозим бўлса еришканилик, ҳисобли сарф-харажат қилишга мойиллик сингари одатларимизни маълум даражада чеклабди. Ҳар нарсага аёл кўзи билан қараш аста-секин турмушнинг бош тамойилига айланиб боради. Бу эса тарбиянинг таъкидланган экзистенциалистик, яъни ҳаётга бутунли талаблардан келиб чиқиб, хушёр ва оқилона ёндашувларни ёшларимиз феъл-атворларига сингирини нечоғли долзарблигини янада равшан кўрсатади. Одатий ҳаёт тарзимизда биз ўзимизни доимий экзистенция ҳолатида, яъни янаша масъул ва янаётган шахс сифатида мунтазам ҳис этиб турмаймиз. Биз ўзимизни эмас, кўпроқ, бошқаларни кузатишга, кузатаётганда ҳам онгли, тизимий эмас, бетартиб қайда этиб юришга мойилмиз. Экзистенциалистик ёндашув инсонни онгли, хушёр, серлак, ўзини тирик, оқил мавжудот сифатида доимий англаш ва ҳис этиб туришга ундавчи кўчдир. Бундай ёндашув инсонда ўзини ўзи доимий тарзда янгилаб бориш, ташқи шарт-шароитларга мослашувчанлик, ўзини ўзи муҳофизат эта билсин, мунтазам равишда такомиллашувга эҳтиж сезини хусусиятларини таркиб топтиради. Экзистенциалистик ёндашув кишини конформизмдан, яъни ҳамма нарсага кўзиб кетаверишдан, ортинча қаноатдан, бефарқлик ва локалликларга берилишдан халос бўлишга, ўз сўзи, ўз нуқтан-назари, этикодига қатъий ва барқарор бўлишга даъват этади. Экзистенциализм ўз сўзи, иши ва тақдири учун масъуллик ҳиссини ҳам таркиб топтиради. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, мазкур гоё улуг аждолимиз Абу Мансур ил-Мотуридийнинг "ҳар бир инсон у дунё ва бу дунёдаги тақдирини ўзи яратди, инсон эркинлиги, хурлигини таъминловчи куч - ҳар бир ҳаётини ваъиятда оқилона меъёр, муросаний муносабатни таъминлай бишлиш тамойилларига риоя қила олишдан иборатдир" деган концепциясига айни мувофиқлигини ҳамда инсоннинг ҳар ишга қодирлиги ва масъуллиги ҳақиқатини мамлакатимиз тарихида маънавий пойдевори мавжудлигини кўрсатади. Шу боисдан ҳам тарбиявий фиолияларимизда халқимиз маънавий мероси, хотирасида тарихан мавжуд бўлган миллий фазилатларимизни қайтадан тиклаш ва бутунли қунишга хизмат қилдириш йулидан боришимиз зарурдир.

Ўзбек маънавий-руҳий истикболда ўзгариши зарур бўлган яна бир жиҳат — бу халқ табиатидаги жамоавийлик ва индивидуализм омилларининг нисбатидир. Маълумки, тарбда шахс жамоага ўзинини юзига чиқариш, истеъдоди ва имкониятларини намойиш этиш, муайян мақсадларга эришни воситаси сифатида қарайди. Жамоа инсон ички, ботиний дунёси, руҳияти шахсий ҳаётини мутлақо аралашмайди. Шарқда эса, жамоа асосан инсонни ижтимоий назорат остида тутиб туриш, шахснинг жамоалардаги мунтазам иштироки унинг умумий ахлоқий меъёрлар доирасида иш туташганининг исботи сифатида таъкид этилади. Жамоадан айрича иш тутиш

инсоннинг ижтимоий бетонлашуви сифатида қаралади. Аммо жамоавийлик нисбатининг мутлақлаштирилиши шахс эркинлиги ва оқоллигига ҳавф туғдириш мумкин. Шу боисдан ҳам Ўзбек маънавий кифасида жамоавийликка ҳам ўзбек боғлиқлик фазилатини сақлаган ҳолда унинг бир қадар индивидуллашуви, жавобгарлик ҳиссини ривожлантириш, ўзи учун ўзи ҳисоб бера олиши, мустакил иш тутиш, шахсий масъуллик сингари хусусиятларини янада такомиллаштириш зарурдир. Аммо шу ўринда таъкидлаш жоизки, инсон феъллида индивидуалистик табиатнинг кучайиши уни урф-одатлар, маросим ва анъаналар билан бошқариш самарадорлигини пасайтиради. Инсон ўзига бевосита наф келтирувчи улумлар, расм-русумлар билан яшашга ўта бошлайди. Дарҳақиқат, ҳар қандай одатлар, маросимлар кишиларга фойдали бўлганлиги учун ҳам яшовчандир. Одамлар ҳаётини оғирлаштирувчи, уларни қийин иқтисодий, моддий-маънавий ҳолатларга солиб қўювчи расм-русумлар эса жамиятнинг нечоғли ривожланишига кўра асте-секин барҳам тола боради. Жамиятнинг интеллектуал-маънавий даражаси қанча юқори бўлса, қонунларнинг ўрни ва роли муттасил орта боради. Шу боисдан ҳам атоқли немис социологи Зиммель, одамларни уларнинг таракқиёт даражасига кўра уч хил бошқариш мавжуд деган фикрни олға суради. Булар:

- 1) шахсий намуналар, кўрсатмалар билан бошқариш
- 2) урф-одатлар, расм-русум ва анъаналар билан бошқариш
- 3) фақат қонунлар воситасидагина бошқариш мумкин дейди.

Дарҳақиқат ривожланган Фафб мамлакатларида халқ анъаналари, урф-одатлари фақат маиший турмуш доираларида амал қилиб, бир қадар чекланган ҳамда фуқароларнинг кенг қўламлардаги ҳаёт тарзи, давлат ва жамият тузилмалари, ижтимоий муносабатлар тизими асосан қонунлар воситасида бошқарилади. Юқсак ривожланган анъанавий шарқ мамлакатлари - Япония, Сингапур, Жанубий Корея сингари мамлакатларда ҳам халқ одатлари, анъаналарнинг жамият ҳаётдаги мавқеига нисбатан қонунлар таъсирининг салмоғи жуда юқоридир. Шундай экан, мамлакатимизда ҳам умумий иқтисодий, технологик ва маънавий таракқиётимиз даражаси нечоғли юқорилаб бориши билан жамият ҳаётида қонунларнинг ўрни ва роли шунчалик ортиб бориши табиий ҳолдир. Давлатчилигимиз адолат принципига таянади. "Адолатга интилиш - халқимиз маънавий-руҳий дунёсига хос энг муҳим хусусият, адолатпарварлик гоёси бутун иқтисодий ва ижтимоий муносабатлар тизимига сингиб кетиши, ижтимоий кўмаклашув механизмида ўз аксини топиши керак"[4]. Биз шунчаки демократик жамият эмас, балки одил демократик жамият барпо этмоқдамиз. Хусусан, миллий маънавият давлат мустакиллигини мустаҳкамлаш, унинг иқтисодий фаровонлигини таъминлаш, халқаро ҳаётдаги ролинини ошириш каби вазифаларни ҳал қилишда муҳим ўрин эгаллайди.

Шу маънода миллий маънавият тараккиёти куйидагиларда намоён бўлади:

биринчидан, миллий маънавият, демократик жамият ва миллат равиолининг бош омилли сифатида намоён бўлмоқда;

иккинчидан, бошқарувда маънавият восита бўлиб, унга тарихан ва шароитдан келиб чиқиб ёндашиши муҳим аҳамиятга эга;

учинчидан, давлат қурилишида миллий маънавият умуминсонийлик ва минтақавий маданият билан бирга ўзаро муштарақ томонлари ҳисобга олиниши зарур бўлади.

Айтиши мумкинки, мустақиллик туфайли маънавий кадриятларнинг тикланиши учун кенг имкониятлар очилди. Аммо ҳар қандай кадриятни "орка-олдига қарамай" тиклаб бўлмайди, чунки тарихнинг гилдирагини орқага айлантиришнинг имкони йўқ. Янгилашни учун аҳолининг маънавий кифасига мос, ҳозирги замон талабларидан келиб чиқиб таҳлил қилиб, унинг мустақиллигини мустаҳкамлашга, тараккиётга хизмат қилувчиларини танлаб олиш даркор. Ушбу нуқтан назардан Ўзбекистон фуқароларининг маънавиятини янгилаш борасида истиқболда бирқанча муаммоларни эътиборга олиш лозим. Улар қуйидагилар:

– аҳолининг кўп миллатли эканлиги, миллий таркиби ва ҳар бир миллат вакиллари менталитетининг ўзига хос хусусиятлари борки, улар билан ҳисоблашиш керак;

– аҳоли асосий қисмининг эътиқоди ва турмуш тарзи ислом дини билан боғлиқ бўлишига қарамай, мамлакатда бир қанча бошқа диний конфессиялар ҳам мавжудки, у диний бағрикенгликка эътиборни кучайтиришни талаб қилади;

– маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик анъаналари ҳанузгача ривожланишга маълум даражада салбий таъсир кўрсатиб келмоқда;

– шахсий феъл-атвор, юриш-туриш, муомала маданиятига жамоатчилик фикрининг таъсири анча кучли;

– жамиятда оиланинг мавқеи алоҳида ўрин тутди;

– тўй-ҳашам, маъракаларга баъзида имконият даражасидан ортикча эътибор берилиши аҳолининг турмуш даражасига салбий таъсир кўрсатади;

– ота-онага, умуман катталарга ҳурмат баъзида эътирозсиз тобелик билан уйғунлашиб, ёшларнинг ташаббус кўрсатишини чеклаб қўйди ва ҳоказо.

Бугунги кунда Ер шарида кечаётган бошқа бир муҳим жараён глобаллашув жараёни натижасида жаҳон халқлари учун умумий этикет, умумий феъл-атвор, умумий менталитет шаклланимоқда ва бунга бевосита жаҳон миқёсида кетаётган сиёсий, иқтисодий ва ахборот борасидаги глобаллашув анча кучли таъсир қилмоқда. Бундай глобаллашув, яъни бир хиллашув муайян ижобий натижалар беришига қарамадан, кўплаб салбий оқибатларга ҳам олиб келмоқда. Бу шарқнинг гавҳари бўлган ўзбек халқининг маънавий кифасига ҳам бевосита ҳамда билвосита таъсир

кўрсатмоқда. Натижада глобаллашув оқибатида ўзбекларнинг маънавий оламига хос кўплаб кадриятлари, маросим ва удувлари унутилишига сабаб бўлмоқда. Бунинг учун ҳар бир халқнинг ўзини-ўзи химоя қилишга қаратилган миллий маънавий-руҳий салоҳиятини шакллантириш зарурати тугилмоқда. Бу эса ўз ўзидан маънавий кифани миллий асосларда шакллантириш катта аҳамият касб этишидан далолатдир.

Шу ўринда, бизда миллий маънавиятнинг истиқболи ёркин десак муҳолага бўлмайди. Негаки, "бешафкат давр синовларидан омон қолган, энг қадимги тош ёзувлар, битиклардан тартиб, бугун кутубхонамиз хазинасида сақланаётган 20-мингдан ортик қўлёзма, уларда мужассамланган тарих, адабиёт санъат, сиёсат, ахлоқ, фалсафа, тиббиёт, математика, физика, кимё, астраномия, меморчилик, деҳқончиликка оид ўн минглаб асарлар бизнинг бекиёс маънавий бойлигимиз, ифтихоримиздир. Бунчалик катта меросга эга бўлган халқ дунёда кам топилади"[5]. Шунингдек, глобаллашув шароитида инсониятнинг миллий маънавий истиқболи ва ривожини одатда уч таркибий босқичда намоён бўлади.

Биринчи босқич – инсонга ёшлигидан сингдирилган маданий-маънавий қарашлар, ахлоқий кадриятлар, анъаналар, диний-руҳий туйғулардан иборат. Бу бўғинда у оиласи, қариндош-уруғлари, маҳалласи, миллати, юрти билан бирлиги, унинг таркибий қисми эканлигини ҳис этади. Натижада, унинг онги ва қалбида миллий гурур, ватанпарварлик туйғуси шаклланади. Бу жараёнда шахсда ҳақиқий фуқаролик туйғулари шаклланади.

Иккинчи босқич – мафкура кўринишидаги маълумот, ахборот тўплаш, асосан сўз, мулоҳаза, иборат, гоё ва назариялар даражасида ифодаланади. Инсон маънавий мерос, кадриятлар билан танишади ва уларни ўзлаштиради, янгиликни дунёқарашига сингдиради. Бу – ишонч бўғинидир. Таассуфки, ёшларимизда маънавий меросимиз ҳақидаги билимлар ҳамон саёзликча қолиб кетмоқда.

Учинчи босқич – билим, ижодий изланиш билан белгиланади. У одамларнинг тафаккурида маърифат, дунёвий маънавият тимсолида намоён бўлади. Буёқ алломаларимизнинг қудрати ана шу дунёвий маънавиятни диний билимлар, маънавият билан узвийликда қамолга етказганликларидир.

Биз барча соҳаларда, жумладан, маънавий соҳада ҳам тадрижий – эволюцион ислохотлар йўли тарафдоримиз ва бунга қатъий амал қиламиз. Яъни, содда қилиб айтганда, одамларнинг дунёқарашини, эътиқод ва тафаккурида демократик қарашларнинг кенгайиши ва мустаҳкам ўрин топиши авваломбор, ҳаётнинг табиий юриши билан уларнинг моддий турмуш даражаси ва маданий савияси тобора ривожланиши ва юксалиши билан ҳамбарчас боғлиқ эканини ҳаётнинг ўзи такозо этади.

"Тафаккур озод бўлмаса, онг ва шуур тазйикдан, қулликдан қутилмаса, инсон тўла озод бўлолмайди. Тараккиёт тақдирини маънавий жиҳатдан етук одамлар ҳал қилади"[6]. Ўзининг мустақил фикри бўлмаган кишининг тафаккури

карам бўлади. Ҳозирги ижтимоий-сиёсий жараёнлар, миллатлараро муносабатларнинг эволюцияси, тадрижий ривожланиш босқичлари Ўзбекистонда яқин миллий-маънавий муҳит шаклланаётганигидан, миллати ва элатидан катъи назар ҳар бир фуқаро ана шу муҳитдан манфаатдор бўлаётганидан далолат бермоқда. Манфаатдорлик туйғуси эса ўзаро ҳурмат, юксак маданият, етуклик ва қомилликка интилиш орқали мазмунан бойиб бормоқда.

Аввало, инсонни-инсон сифатида намоён қиладиган ҳислат, бу – юксак маънавият, маънавий қомилликдир. Инсон қалби қанчалик эзгу ишларга мойил, уни иш фаолияти ён-атрофдагиларга ёрдам беришдан иборат бўлса, жамият тараққиётида беvosита виждонан ахлоқ-одоб жиҳатидан иштирок эта олса, инсоннинг маънавий қиёфаси намоён бўлади.

Глобаллашув шароитида инсониятнинг миллий – маънавий тараққиёти билан маънавий юксалиш жараёнлари ўртасидаги корреляцион боғланишларни таҳлил қилиш ижтимоий заруриятга айланиб бўлган. Бу борадаги муҳим вазифалар кўламини ва йўналишларини белгилашда ҳар бир инсон жамият тараққиёти ва уни янгилашда, маънавий ҳаётимизни турли таҳдидлардан ҳимоя қилишда ўз бурчинини аниқлаб олиш зарурлигини кўрсатмоқда. Миллий – маънавий тараққиёт ва юксалиш муайян миллатнинг ижтимоий – тарихий, маданий ҳаёти, тили, қадриятларининг шаклланиши, ижтимоий – сиёсий жараёнлардаги тараққиёти, этногенезини билиш ва уларга ҳётда амал қилиш билан боғлиқдир.

«Биз ҳаёт ҳеч қачон бир жойда тўхтаб турмаслигини, албатта, яхши англаймиз. Агарки биз ХХИ асрда, тобора авж олаётган глобаллашув

жараёнлари, Интернет ва интеллектуал тараққиёт ҳал қилувчи рол ўйнаётган бир даврда яшаётганимизни ҳисобга оладиган бўлсак, ҳаётимиз нақадар шиддатли суръатлар билан ўзгариб бораётганини, айниқса, чуқур ҳис қиламиз. Ана шундай шароитда эришган натижаларимизга махлиё боимасдан, ҳаволалиш қайфиятига берилмасдан, шу пайтга қадар босиб ўтган йўлимиз – бу олдимизда турган мураккаб ва оғир йўлнинг фақат бир қисми эканини ўзимизга аниқ тасаввур этишимиз керак.

Бугунги кунда бизни ўраб турган дунё қанчалик тез ўзгариб бораётгани, яқин ва узоқ атрофимизда турли можаро ва қон тўқишлар давом этаётгани, терроризм, экстремизм ва наркотрафик хавфи ортиб, молиявий-иктисодий инқироз ва унинг оқибатлари янада чуқурлашиб бораётгани ҳақида ортиқча гапиришнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман. Албатта, буларнинг барчаси ҳар биримизни ташвишга солмасдан қўймайди ва биздан жаҳонда юзага келаётган вазиятни сергактик билан баҳолашни талаб қилади».

Ҳуллас, миллий маънавиятни ривожлантириш демократик жамият ва унда яшовчи инсонларнинг маънавий бойлигини ошириш учун зарур бўлиб қолмасдан, шу билан бирга, давлат мустақиллигини ва миллатнинг мавжудлигини таъминлашнинг қудратли маънавий қучи ҳисобланади. Мустамлака даврида сингдирилган “қуллик” психологиясини ўзгартириш осон эмас, албатта. Бу бир авлод алмашувини англатади. Ҳозир эса шароит бошқача, ХХI асрда барча технологиялар ривожланган шароитда халқни янгича характерини яратиш имконияти бор. Бу ўзгаришлар ўзбек халқини буюк келажак сари бошлаши, асрлар давомида орзу қилиб келган адолатли жамиятга олиб бориши учун ҳар бир фуқаро ҳаракат қилиши, буни ўзи учун ҳам қарз, ҳам фарз деб билиши керак.

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. –Т.: Ўзбекистон, 1998. –Б.6.
2. Каримов И. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. –Т.: Ўзбекистон, 2000. –Б.217–218.
3. Эркаев А. Тафаккур эркинлиги. –Т.: Маънавият, 2007. –Б.132.
4. Каримов И. Ўзбекистон буюк келажак сари. –Т.: Ўзбекистон, 1998. –Б.399.
5. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т.: Шарқ. 1998. –Б.3-4.
6. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ қаби муқаддасдир. –Т.: Ўзбекистон, 1996. –Б.34.
7. Каримов И. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажак йўлида хизмат қилиш энг олий саодатдир. –Т.: Ўзбекистон, 2015. –Б.14-15.

РЕЗЮМЕ

В данной статье описывается процесс глобализации и ее влияние на развитие национальной культуры. Кроме того, роль совершенствования духа глобализации, идея формирования национальной духовности отражены в работе, проводимые в этом направлении.

Ключевые слова: глобализация, процесс этнической, духовность, национальный, религиозной, идея, идеология, человеческое и духовного наследие и развитие молодежи.

RESUME

This article describes the process of globalization and its impact on the development of the national culture, including processes associated with. For the development of the society related to the evaluation of the process taking place today. In addition, the role of improving the spirit of globalization, the idea of the formation of a national spiritual and reflected in the work carried out in this direction and objectives.

Key words: globalization, the process of ethnic, spirituality, national, religious, ideas, ideology, human and spiritual heritage, youth development.